O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 5 октябрь, № 197 (4350) Жума


«Cotton road»:

## МАҲСУЛОТГА ЖАҲОН ХАРИДОР

**Қарши шаҳридаги «Cotton road» қўшма корхонаси пахта толасини қайта ишлашга ихтисослашган бўлиб, унинг ишлаб чиқариш имкониятлари тобора ошиб бормоқда. Ўтган йили 1219 тонна хом ашё қайта ишланган бўлса, бу йил 1800 тонна тола қабул қилиниб, ип-калава ва газлама тайёрлаш кўзда тутилмоқда. Ҳозиргача 1200 тонна тола қайта ишланди. Ўтган йили, шунингдек, корхона аҳли чет эллик ҳамкорларга 2 миллион АҚШ долларилик маҳсулот сотган эди. Бу йил экспорт ҳажмини икки баробар кўпайтириш кўзда тутилмоқда.**



СУРАТДА: корхонанинг пиликлаш машинаси оператори Лобар Анварова. Жамшид НОРҚОБИЛОВ олган сурат.



*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар муҳокамаси 2-4 октябрь кунлари давом эттирилди.*

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А. Тўхтабоев тақдим этган «Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш чоғида депутатлар қонун лойиҳасининг айрим қоидаларини такомиллаштиришга қаратилган қатор фикр-мулоҳазалар билдиришди. Мазкур ҳужжат киритилган тузатишлар инобатга олинган ҳолда масъул қўмита томонидан маромига етказилганидан ва моддама-модда муҳокама қилинганидан кейин Қонун қабул қилинди.

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ш. Абдуллаева тақдим этди. Депутатлар ушбу ҳужжатни моддама-модда муҳокама қилиш чоғида билдирилган барча фикр-мулоҳазалар ва таклифларни эшитиб, муҳокама қилдилар. Қонун ҳужжатларидаги зиддиятларни бартараф этиш мақсадида қонун лойиҳасидан айрим нормалар чиқариб ташланди. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмитага ушбу ҳужжатни қабул қилинган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда маромига етказишни ва учинчи ўқишда муҳокамага киритишни топширди.

«Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси Ш. Абдуллаева тақдим этди. Қонунчилик палатаси киритилган тузатишларни ҳисобга олган ҳолда мазкур қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда қабул қилди ва масъул қўмитага уни учинчи ўқишда кўриб чиқиш учун маромига етказишни топширди.

Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси аъзоси Б.Нурмедовнинг маърузаси бўйича депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг Почта тўловлари хизматлари тўғрисидаги Битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиши ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Савол-жавоблар ва батафсил муҳокамадан сўнг депутатлар ушбу Қонунни қабул қилдилар.

Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раисининг ўринбосари Р. Собиржонов «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Депутатлар мазкур ҳужжатни муҳокама қилиб, унинг асосий қоидаларини маъқулладилар ва биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси А. Эрдонаев тақдим этди. Депутатлар муҳокама чоғида тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқулладилар ва уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Ражабов «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди. Савол-жавоблар ва муҳокамадан сўнг депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилдилар.

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф. Комилов маъруза қилди. Муҳокама чоғида депутатлар мамлакатимизнинг жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳим эканлигини таъкидладилар ҳамда мазкур ҳужжатни яхшилашга қаратилган таклифлар киритишди. Қонунчилик палатаси келиб тушган таклифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

**(ЎзА).**

Мардлар қўриқлайди Ватанни!

## ЙИГИТЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ

***Шу кунларда мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларида давлатимиз раҳбарининг "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида"ги қарори асосида ёшларни армияга кузатиш ишлари бошлаб юборилди.***



Куни кеча Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси йиғин пунктида бўлажак аскарларнинг биринчи гуруҳини армияга кузатиш маросими бўлиб ўтди. Унда хизмат бурчини ўташга чоғланаётган йигитларнинг ота-оналари, ҳокимликлар, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.

— Армия ҳар бир йигит ҳаётида бутун умр эсда қоладиган мактабдир, — деди кузатиш маросимида сўзга чиққан истеъфодаги генерал-майор Ортиқжон Абдуллаев. — Ўғлонлари бақувват юртнинг армияси ҳам қудратли бўлади. Ватан тинчлиги, халқимиз хавфсизлиги, чегараларимиз дахлсизлиги энди шу фарзандларимиз қўлида. Кўзларидан ўт чақнаб турган йигитлар Ватан олдидаги шарафли бурчини мардонавор ўташига, ота-онаси, эл-юрт олдида юзлари ёруғ бўлиб қайтишига тилакдошман.

Маросимда фарзандларини кузатишга чиққан ота-оналарнинг юз-кўзларидан кучли ҳаяжонда эканликларини сезиш қийин эмас. Юртга муносиб фарзанд етиштирганларидан мамнун ҳолда теварак-атрофга мағрурона боқишади.

Тинмай нималарнидир ўғлига уқтираётган онанинг олдига яқинлашамиз:

— Иккинчи ўғлимни армияга жўнатаяпман, — дейди Шайхонтоҳур туманида яшовчи пенсионер Муҳайё Иноғомова. — Ўғлим Фазлиддиннинг вояга етганини сезмай ҳам қолибман. Хизматга бораман деб туриб олди. Дадаси билан келишиб, рози бўлдик. Мактабда яхши ўқиганлиги, спорт билан мунтазам шуғулланганлиги учун танловдан муваффақиятли ўтди. Ўғлимнинг чиниқиб, тобланиб, халқимиз корига ярайдиган йигит бўлиб қайтишига ишонаман.

— Шу йил Тошкент темир йўллари коллежини тугатдим, — дейди биз билан суҳбатда ҳарбий хизматга отланган Ҳамза туманида истиқомат қилувчи Ғулом Шерматов. — Тошкент Темир йўл транспорт муҳандислари институтига ҳужжат топширгандим, озгина балл етмай қолди. Армияга бориб келган танишларим эса ўзлари хизмат бурчини ўтаган ҳарбий қисм командирлари томонидан берилган тавсиянома туфайли бугун талаба бўлишди. Мен ҳам армияда барча топшириқларни сидқидилдан бажариб, ана шу имтиёзга эга бўлмоқчиман. Олдимдаги бу мақсадга эришишга кучим ҳам, иродам ҳам етишига ишонаман.

Ҳа, Қуролли Кучларимиз сафларига кириш эндиликда ҳар бир йигитнинг орзуси, мақсадига айланган. Ана шу мақсадига эришган ва шарафли бурчини ўташга шайланаётган йигитларимизга омадлар тилаб қоламиз.

**Юнус БЎРОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

Самарқанд автомобиль заводининг япониялик мутахассислар билан ҳамкорлиги яхши натижалар бермоқда. Жорий йил бошидан буён корхонада 850 дан зиёд автомобиль ишлаб чиқарилди.

## Самарқанд автомобиллари – экспортга

Бу рақам йил охирига қадар 1050 тага етказилиши, яна беш русумдаги ихчам, замонавий автобуслар ва юк машиналари ишлаб чиқарилиши кутиляапти.

Аҳамиятлиси, корхонанинг экспорт салоҳияти ҳам ошиб бормоқда. Ҳозирда Самарқанд автомобиллари "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" тамғаси билан Қозоғистон ва Озарбойжон республикаларига жўнатила бошланди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Ўзбекистон — Польша:*

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

***Шу кунларда пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ"да Польшанинг иккинчи миллий кўргазмаси бўлиб ўтаяпти. Унда мазкур давлатнинг 50 га яқин етакчи фирма ҳамда компаниялари ўз маҳсулот намуналари ва хизмат турлари билан иштирок этмоқда.***

Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда ҳар икки давлат ўртасида савдо-иқтисодий соҳалардаги алоқалар ривожланиб бормоқда. Хусусан, 2006 йилда давлатлараро ташқи савдо айланмаси 600 млн. АҚШ долларидан ошганлиги бунга далил бўла олади.

Тадбир доирасида бўлиб ўтган Ўзбекистон-Польша бизнес форумида ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ривожланиб бораётгани ва бунда икки давлат раҳбарлари учрашувларида эришилган аҳдлашувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани таъкидланди. Савдо-иқтисодий ҳамкорлик автомобилсозлик, нефть-газ, қурилиш материаллари ва уларни ишлаб чиқариш, кимё, тўқимачилик каби соҳаларни қамраб олганлиги эътироф этилди. Айни чоғда юртимизда ўндан зиёд қўшма корхона фаолият кўрсатмоқда ва Польшанинг 14 та ваколатхонаси Ўзбекистонда аккредитация қилинган.

Форумда таъкидланганидек, бу кўрсаткичлар томонларни қониқтирадиган даражада эмас. Фармацевтика, озиқ-овқат, кимё саноати каби соҳаларда ўзаро манфаатли алоқаларни кенгайтириш имкониятлари мавжуд. Шу билан бирга, сайёҳлик соҳасида ҳам истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш икки томон манфаатларига мос тушади.

Кўргазма павильонларидан

**▼ Халқаро кўргазма**

жой олган маҳсулотлар намунаси ва хизмат кўрсатиш турларининг ранг-баранглиги иштирокчиларни бефарқ қолдирмаётир. Айниқса, қурилиш материаллари, лок-бўёқ маҳсулотлари, қишлоқ хўжалик техникалари, сабзавот ва гўштни қайта ишлаш технологиялари, тиббий ускуна ва жиҳозлар, қадоқлаш мосламалари, шунингдек, суғурта хизмати, матбаа-босма маҳсулотлари мамлакатимиз ишбилармонларида қизиқиш уйғотмоқда.

Мазкур тадбир ва Ўзбекистон-Польша савдо-иқтисодий ҳамкорлиги хусусида "Fagor Mastercook" компаниясининг экспорт бўйича бошқарувчиси Грегор Брэтекс ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидагича баён этди:

— Аввало, кўргазма ташкилотчилари — Польша иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда бошқа вазирлик, идоралар мутасаддиларига компаниямиз номидан миннатдорчилик билдирамиз. "Ўзэкспомарказ" мажмуаси жаҳон андозаларига тўлиқ жавоб бериши, унда Польшанинг фан-техника, қурилиш, озиқ-овқат, қўйингки, энг илғор маҳсулотлари намойиш қилинаётгани бизни беҳад қувонтирди. Бундан-да муҳими, маҳсулотларимиз ўзбекистонлик ишбилармонларни бефарқ қолдирмаётгани бўлди. Компаниямиз маҳсулотлари дунё бозорида ўз харидорига эга. Айниқса, 100 турдан зиёд газ плиталари, кир ювиш машиналари, маиший жиҳозларимизга талаб кучли. Кўргазма давомида ўзбек ишбилармонлари билан савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича бир қатор тенг манфаатли аҳдлашувларга эришдик. Бу, ўз навбатида, давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада яхшилашга хизмат қилади, деб ўйлайман.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Бугун «Янги авлод» республика болалар ижодиёти фестивалининг вилоят босқичлари бошланади. Бу йилги фестиваль Нукус, Урганч, Навоий, Самарқанд, Қарши, Жиззах, Фарғона ва Тошкент шаҳарларида ўтказилиб, қўшни вилоятлардаги иштирокчиларни ҳам қамраб олади.***

**▼ Фестиваль**

## БОЛАЛАР ИЖОДИЁТИ НАМОЙИШИ

Уч йилдан буён "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси томонидан ўтказилиб келинаётган мазкур тадбир мамлакатимиз маданий ҳаётида ўзига хос воқеа бўлиб қолмоқда. Шу давр ичида фестиваль 6 ёшдан 14 ёшгача бўлган юзлаб иқтидор соҳибларини кашф этди.

Таъкидлаш жоизки, жамғарма фестиваль ғолибларини кейинги фаолиятларида ҳам қўллаб-қувватлаб, янги имкониятлар эшигини очиб бераётир. Шу боис, унинг нуфузи ва кўлами ҳам йил сайин кенгайиб бормоқда. Агар 2004 йили фестивалда 300 дан ортиқ ёш иқтидорлар қатнашган бўлса, ушбу кўрсаткич 2005 йили 1000 нафардан зиёдни, 2006 йили эса 4500 нафарни ташкил этди. Бу йилги фестивалда қатнашиш истагини билдирганлар сони 8300 нафардан ошиб кетди.

(Давоми 2-бетда).

# ИНСОН ҲУҚУҚИ — ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

***Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг юртимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида мамлакатни демократлаштириш ва либераллаштириш йўлида қилинган ишларга батафсил тўхталиб, истиқлол йилларида эришилган муваффақиятлар, юртимизнинг бугуни ва эртаси, унинг халқаро майдонда тутган ўрни ва нуфузини аниқ таҳлиллар асосида очиб берди.***

Ушбу маъруза айни вақтда кенг жамоатчилик эътиборида бўлиб, ўзаро суҳбатларнинг асосий мавзуига айланган.

Дарҳақиқат, юртимиз истиқлолни ўта таҳликали ва мураккаб бир вазиятда қўлга киритди. Ўша пайтда ҳукм сурган оғир сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий шароитда республикамиз раҳбарияти оқилона сиёсат юритиб, узоқни кўзлаб амалга оширган чора-тадбирлар туфайли Ўзбекистон ўзи белгилаб олган йўлдан дадил қадам ташлади. Халқимиз эркинлиги, фаровонлигини таъминлаш мақсадида кенг кўламдаги ислоҳотлар жараёни бошланди. Бу борадаги ишларнинг ҳар бири ўзига хос мавзу, ўзига хос тарих. Аммо шулар ичида катта аҳамиятга эга бўлгани, шубҳасиз, кўп йиллар қадр-қиммати, шаъни топталган одамларимизнинг ҳақ-ҳуқуқини тиклаш йўлидаги саъй-ҳаракатлар бўлди.

Дунё тажрибасидан яхши маълумки, қайси бир мамлакат инсон омилига биринчи галдаги вазифа сифа-

**▼ Муносабат**

тида эътибор қаратса, ўша юртда тўкинлик, фаровонлик ва ривожланиш кўзга ташланади. Сабаби, халқнинг хоҳиш-иродаси, истак ва орзу-умидларига таянмай туриб келажак учун мустаҳкам пойдевор яратиш мумкин эмас. Бу фикрни биз бежиз келтираётганимиз йўқ. Мамлакатимизда узоқ муддат ҳукм сурган мустамлакачилик йилларида фуқароларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадриятлари ҳар томонлама камситилиб, оёқ ости қилинарди. Собиқ шўро ҳукумати ўз мақсадлари йўлида устомонлик билан фойдаланарди-ю, аммо инсоннинг қадр-қиммати ҳақида гап кетганда бизга иккинчи даражали одам сифатида қарарди. Мана шундай бир шароитда ривожланиш, юксалиш ҳақида гап бориши мумкинми? Асло йўқ. Шунинг учун ҳам халқнинг турмуш даражаси, яшаш шароити ачинарли аҳволга тушиб қолганди.

Бундай аччиқ хотираларнинг аксарияти пахта билан боғлиқ. Бу бежиз эмас. Мустамлакачилик йилларида пахта яккаҳокимлиги ўрнатилганда инсоннинг ҳаёти, соғлиғи, яшаш тарзи собиқ тузумни мутлақо қизиқтирмасди. Уларнинг хаёли фақат Ўзбекистондан бир нима ўмариш билан банд эди, холос.

— Эҳ-ҳе, илгари пахта деса ҳеч кимни аяш йўқ эди, — дея эслайди Наманган шаҳридаги 1-туғуруқ комплекси бош шифокори Луиза Рафиқова. — Ҳатто, болали аёллар ҳам бу ишга жалб қилинарди. Ҳали-ҳали кўз олдимда. Дала бошига қурилган шийпонлар атрофидаги дарахтларга қатор қилиб беланчаклар осиб қўйиларди. Бу болали аёлларнинг "кўмакчиси" эди. Оналар меҳнат қиларди, гўдаклар ўша беланчакда ётарди. Энди ўйлаб кўринг. Аввало, ғўзани ривожлантириш учун жуда кучли кимёвий воситалар қўлланиларди. Демак, дала бошида ётган бола ана шу воситалар таъсирида бўларди. Қолаверса, аёллар ғўза қатор орасида юриб, меҳнат қилишганда ўзларига турли хил заҳарли препаратларни юқтиришарди. Болалардаги асоратли касалликларнинг келиб чиқиши ҳам, кўп жиҳатдан, шунга боғлиқ эди...

(Давоми 2-бетда).

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Олтин конида ҳалокат



***Жанубий Африка Республикасининг Йоханнесбург шаҳри яқинидаги Elandsrand олтин конида рўй берган ҳалокат туфайли 3200 нафар шахтёр 2,2 километр чуқурликдаги шахтада қолиб кетди.***

«Reuters» тарқатган хабарга қараганда, шахта тиргагининг қулаб тушиши ва электр энергиясидаги узилиш ҳалокатни келтириб чиқарган. Олтин кони эгаси бўлмиш «Harmony Gold» компанияси раҳбарлари хавотирланишга асос йўқлигини, ишчи лифт ёрдамида шахтадагиларни қутқариб олиш мумкинлигини таъкидлашди. Газета саҳифаланаётган пайтда шахтёрларнинг 1500 нафари қутқарилгани тўғрисида хабар олдик. Қолган шахтёрларнинг тақдири ҳозирча номаълум.

## Қарши кучлар бирлашди

***Ироқда АҚШ қўшинларига қарши кураш олиб бораётган гуруҳлар бирлашишга қарор қилишди.***

«ИТАР-ТАСС» хабарига кўра, «Жиҳод ва халоскорлик олий қўмондонлиги» деб номланган ушбу бирлашган фронтга мамлакатнинг собиқ вице-президенти, инқилобий қўмондонлик кенгаши раисининг ўринбосари Иззат Ибрагим ад-Дури раҳбар этиб тайинланган. Ҳарбий мутахассисларнинг таъкидлашича, Ироқда кейинги йилларда амалга оширилган кўплаб терактларда айнан ад-Дурининг қўли бор.

Америка ҳукумати Иззат Ибрагимни топиб берган шахсга 10 миллион доллар ваъда қилган.

## Сариқ денгизда тинчлик ҳудуди

***Пхеньянда Корея Халқ Демократик Республикаси раҳбари Ким Чен Ир ва Корея Республикаси Президенти Но Му Хён ўртасида музокаралар бошланганини аввал хабар қилган эдик.***



Пайшанба куни икки корейс давлати раҳбарлари Сариқ денгизда махсус тинчлик ҳудуди барпо этиш тўғрисидаги ҳужжатни имзоладилар.

КХДР Президентининг матбуот котиби Чхон Хо Соннинг таъкидлашича, музокаралар чоғида асосий эътибор иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш ва Корея ярим оролида тинчлик ўрнатиш масалаларига қаратилган.

## Етакчи ҳибсга олинди

Испания полицияси тақиқланган «Батасуна» партияси ва ЭТА айирмачилар гуруҳи етакчиларидан бири — Хосеба Альваресни қамоққа олди. «France Presse» хабар беришича, у шу йилнинг 9 сентябрь куни «Аскатасуна» ҳаракатини ҳимоя қилиш мақсадида ўтказилган ноқонуний намойишни ташкил этганликда айбланмоқда.

«Батасуна» партиясининг фаолияти 2003 йилда тақиқлаб қўйилган. Бу партия басклар давлатини тузиш учун референдум ўтказиш ташаббуси билан чиққанди. Лекин Испания ҳукумати бунга қаршилик билдирди.



## Пикассо асарлари кимошди савдосида

Шу йилнинг 7 ноябрь куни Нью-Йоркдаги «Sotheby's» савдо уйида буюк рассом Пабло Пикассонинг икки иши — Дори Маарнинг бронзадан ишланган боши ва «Чироқ» полотноси кимошди савдосига қўйилади. «France Presse» хабарида айтилишича, 1941 йилда ишланган бронза ҳайкалнинг дастлабки нархи 20-30 миллион, 1931 йилда чизилган картинанинг дастлабки нархи эса 25-35 миллион доллар, деб баҳоланмоқда.

Икки иш ҳам илк маротаба савдога қўйилди. Асарлар 7-12 октябрь кунлари Лондонда, 2-7 ноябрь кунлари Нью-Йоркда харидорларга намойиш этилади.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**

***Ўлкамизда куз ўз тароватини кўрсатиб, бутун сепини ёймоқда. Бундай пайтларда пойтахтимизда фаолият юритаётган ободонлаштириш бошқармаси ишчи-хизматчиларининг юмушлари янада кўпаяди. Сабаби, жойларда ободонлаштириш ишларини олиб бориш, дарахт кўчатларини ўтқазиш, йўлакларни тозалаш, йўлларни асфальтлаш, сув иншоотлари ва кўприкларни тартибга келтириш сингари бир қатор тадбирларни амалга ошириш айнан ана шу соҳа эгалари зиммасидадир.***

# ПОЙТАХТИМИЗ ЯНАДА ОБОД ВА КЎРКАМ БЎЛАДИ

— Шу йилнинг баҳорида жамоамиз томонидан ҳудудимизда 30 минг донадан зиёдроқ терак, дуб, ясень, япон софораси, сосна сингари игнабаргли ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилганди, — дейди биз билан суҳбатда Собир Раҳимов тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи Шорустам Шоджонов. — Катта йўл бўйиларига эса маҳалла қўмиталари раислари билан ҳамкорликда 50 минг дона манзарали дарахт, қишин-ёзин гуллаб турадиган 360 минг дона гул кўчатлари ҳам экилган эди. Улар ҳаммаси тўлалигича ундириб олингани туфайли бугунги кунда шаҳримиз кўчаларига ҳусн бағишлаб турибди.



Бундан ташқари, ўтган даврда кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчилар учун қулайлик яратиш мақсадида маҳалла, ширкат раҳбарлари билан ўзаро ҳамкорликда «Ғалаба», «Янги Себзор», «Истиқбол», «Обод» сингари бир қатор маҳаллаларнинг ҳудудларида дарахтзорлар, гулзорлар ва кичик хиёбонлар барпо этилди. Болалар ўйингоҳлари, спорт майдончалари ишга туширилди.

Бугунги кунда туманимизда 56 та маҳалла қўмитаси, юздан зиёд ширкатлар мавжуд бўлиб, уларга тегишли майдонларни ободонлаштириш ишлари тўлалигича бошқармамиз назоратига олинган. Натижада, ўтган тўққиз ой мобайнида «Ғалаба» маҳалласидаги кўп қаватли уйларнинг 30 та подъезди, «Истиқбол»да — 24, «Нақшбанд»да — 28, «Себзор»да — 40 та «дом»нинг йўлак-подъезд қисмларига асфальт ётқизилди. Айни дамларда бу юмуш давом эттирилаяпти.

Шаҳар ва туманлар ҳокимларининг топшириғига биноан, ҳудудимиздаги Генерал Ғафуров, Хўжаев, «Шифокор», А. Саидова, Б. Хомутхонов номидаги бир қатор кўчаларнинг йўл ва йўлакчалари ҳам асфальтланди.

Шу кунларда эса кўз касалликлари шифохонаси ёнидаги анҳор тўлиқ таъмирдан чиқарилаяпти. Бу жараёнда мавжуд канализация трубалари, дренажлар, ер ости сув қувурлари янгиланиб, санитария талабларига мослаштирилади. Пировардида, бу туман аҳолисини неча йиллардан буён ўйлантириб келаётган экология масаласини ҳал этиш имконини беради. Айни чоғда бошқармамиз ходимлари дарахтларга шакл бериш, кўча ва майдонларга манзарали дарахт кўчатлари ва гуллар экишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Жамоамизнинг мақсади битта: у ҳам бўлса, шаҳримизнинг янада обод ва кўркам бўлишига ўз ҳиссамизни қўшишдир.

**Усмон УСМОНОВ.**

**СУРАТДА:** кўп қаватли уйнинг йўлаги асфальтланмоқда.

**Муаллиф олган сурат.**

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

«Сигнал» ва «Газдевайс» ЁАЖ компаниялари гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).



Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 $м^3$, 250 $м^3$, 400 $м^3$, 650 $м^3$, 1000 $м^3$, 1600 $м^3$ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 $м^3$ дан 25 $м^3$ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 $м^3$ дан 40 $м^3$ гача);
- «УБСГ» 001 G-4 (соатига 0,04 $м^3$ дан 6 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-6 (соатига 0,06 $м^3$ дан 10 $м^3$ гача).
- «УБСГ» 001 G-10 (соатига 0,1 $м^3$ дан 16 $м^3$ гача).

Кафолатли сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, «Моштабиб» кўчаси, 7-уй. Мўлжал — Тошкент вино заводи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

711Н/542

**Аудиторлик фирмалари ва баҳолаш компаниялари диққатига!**

Хоразм вилояти хўжалик судининг 22-05.03-3048-сонли иш бўйича 2007 йил 10 август куни қабул қилган ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган ва қарздор корхонага нисбатан тугатишга доир иш юритиш бошланганлиги сабабли «Хива Карпет» қўшма корхонасининг молиявий фаолияти, мулк инвентаризацияси ва баҳолаш ишларини қонун талаблари асосида ўтказиб бериш учун лицензияга эга бўлган **аудиторлик фирмалари ва баҳолаш компаниялари тендерда қатнашишга таклиф этилади.**

**Таклифлар эълон чиққан кундан эътиборан 10 кун давомида қабул қилинади.**

**Манзил: Хоразм вилояти, Хива шаҳри, Обводная кўчаси, 7-уй. Тел./факс: 8(362) 375-95-75.**

1462Н/1807

NURON

Манзил: Тошкент ш., Лисунов к., 2-уй. Тел.: 194-60-60. Факс: 120-74-93. www.nuron.uz

Маҳсулот сертификатланган.

FUJITSU COMPUTERS SIEMENS

Сервер

PY ECO200S2A
XEON DP 5050
2 x 250G
2X 1GB ECC
DVD-RW DL

LCD Мониторлар

SCENICVIEW A17-2
SCENICVIEW E19-6

Кафолат — 3 йил



Ноутбуклар

FUJITSU SIEMENS COMPUTERS
Баҳоси — 1 250 000 сўм ва ундан юқори.

Кафолат — 2 йил

Шахсий компьютер FSC

ESPRIMO P2511 946GZ
CPU 420/512MB/ 80 GB
Serial/DVD Serial
ATA/Linux
Кафолат — 3 йил

Минск автомобиль заводининг Ўзбекистондаги расмий вакили

«ADVENT EURASIA» ҚК

«МАЗ» русумли барча турдаги автомобиллар, шу жумладан, автобуслар, троллейбуслар, махсус техника, тиркама техникалар, автокран, авто бензин қуювчи ва эҳтиёт қисмларни етказиб беришга буюртмалар қабул қилади.



Етказиб берилган техникалар «ADVENT EURASIA» қўшма корхонаси сервис хизмати кўрсатиш шохобчасида рўйхатга олинади ва техник хизмат кўрсатилади.

*Кафолат муддати — 3 йил.*

Тел./факс: 134-10-97.
Телефонлар: 134-19-53, 339-50-68.
Манзилимиз: Тошкент ш., В. Малясов к., 3-«А» уй, 4-қават, 413-хона.
Мўлжал — «Юлдуз» фабрикаси.

1472Н/1346

MIKROKREDITBANK

«МИКРОКРЕДИТБАНК»

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Оиласи учун доимий даромад манбалари яратишга бел боғлаб, тадбиркорликни бошлаётган ва сервис хизматини йўлга қўйишга киришган ёш оилаларга «Микрокредитбанк» имтиёзли микросармоялар ажратади.

ТАКЛИФ СИЗДАН — САРМОЯ БИЗДАН!

*«Микрокредитбанк» пластик карточкалари — маиший хизмат корхоналарида, меҳмонхоналарда, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаларида, уяли алоқа компаниялари ва ҳатто, метрополитенда тўловларни амалга ошириш, шунингдек, савдо шохобчаларидан моллар харид қилишда қулай тўлов воситасидир.*

*«Микрокредитбанк» пластик карточкалари:*
- *сизни кўп миқдорда нақд пул олиб юриш ташвишларидан халос этади;*
- *ушбу банкнинг вилоятлар марказларидаги, шаҳарлар ва туманлардаги бўлинмаларида нақд пул билан ва нақд пулсиз барча ҳисоб-китобларни амалга оширишингизга имкон яратади.*



*Пластик карточкалардаги пулларингиз жамғармага қўйилгани сингари тўпланади ва кўпая боради.*

*Пластик карточкадан оилангизнинг барча аъзолари фойдаланишлари мумкин.*

*Пластик карточкалар йўқолганда, қолдиқ маблағларингиз янгисига ўтказилиб берилади.*

«Микрокредитбанк» пластик карточкаларидан фойдаланинг!

**БАНКДА СИЗЛАР УЧУН**
**«НУРАФШОН» — 45 кун,**
**«МАФТУНКОР» — 15 кун** каби миллий валютадаги янги муддатли омонат турлари мавжуд.

Ушбу омонат турларига камида 50 минг сўм миқдорида маблағ қабул қилинади ва **йиллик 24 фоиз** миқдорида устама ҳисобланади.

Бундан ташқари, «Микрокредитбанк»да **18 фоизли** «Орзу», «Нуроний», «Сиҳат-саломатлик», «Тежамкор – коммуналчи», «Она-юрт», «Мучал тўйи», «Омад», **19 фоизли** «Кумуш тола», «Баҳор неъмати», **20 фоизли** «Меҳрибонлик», «Мададкор», «Камалак», «Хотира» сингари турли қулайликларга эга бўлган жами 21 хилдаги омонат турлари бор.

Айниқса, пластик карточкаларга қўйиладиган ва йиллик 20 фоиз ҳисобланадиган «Хазина-карт» омонати алоҳида қулайликларга эга.

**Омонатга қўйилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.**

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 173-28-11, 173-05-86, 173-15-81, 173-43-11, 173-04-40.

**«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!**




Хизматлар лицензияланган

